Иккиламчи металларни суюқлантириш технологияси фанидан 4-маърузасидан уйга вазифа

1-савол: Серияли ва массали ишлаб чиқаришда деганда нимани тушунасиз?

Жавоб: Серияли ва массали ишлаб чиқаришда қуйма махсус механизмлар ёрдамида ажратилади. Қолипларни ажратиш қуймакорлик цехларидаги энг оғир жараёнлардан бири ҳисобланади. Жараённи амалга ошириш вақтида жуда катта миқдорда иссиқлик ва чанг чиқади. Қолипни ажратиш бўлимида ўртача ҳолатдаги иш шароитини таъминлаш учун жуда кучли шамоллатиш вентиляциялари, табиий чанг бостириш ва хавони тозалаш имкониятларидан фойдаланилади. Йирик қолипларни бузиш учун кўтарма траверсалардан фойдаланилади. Механизациялашган цехларда қолиплар ҳар хил жихозларда бузилади. Бузилган қолиплар қайта йиғишга қайтарилади. Қолип аралашмаси қолипни бузиш вақтида решеткалар орасидан лентали конвейерга тушади ва қайта ишлатиш учун тозаланади. Амалиётда ажратишдан ташқари қуймаларни тозаловчи автоматик ажратиш қурилмаларидан фойдаланилади.

2-савол: Ўзаклар неча синфга бўлинади?

Жавоб: Ўзакларни синфланиши-шакли ва иш шароитига қараб ўзаклар 5 синфга бўлинади. Энг мураккаби биринчи синф ўзаклари бўлиб, улар қисмлардан иборат бўлади. Бу қисмлар алохида тайёрланиб елимланади.